




Очиқ мулоқот: Термиз туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳақида ахборот берилди



Туман ҳокимлиги катта мажлислар залида туман ҳокими Шухрат Назаров иштирокида Термиз туманини келгусида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилиши режалаштирилган дастурлар, лойиҳалар ҳақида жамоатчиликка ахборот бериш мақсадида очиқ мулоқот ўтказилди.

Унда туман фаоллари, ОАВ вакиллари, туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Туман раҳбари жорий йилнинг ўтган даврида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ахборот берди.








Жумладан:

- саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 333 млрд сўмни ташкил этиб, 108 фоизга;
- қурилиш ишлари ҳажмини 496 млрд сўмни ташкил этиб, 110 фоизга;
- хизмат кўрсатиш ҳажми 723 млрд сўмни ташкил этиб, 113 фоизга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9 ой якуни билан 1 трлн 338 млрд сўмни ташкил этиб, 106 фоизга ўсиши таъминланганлиги қайд этилди.







Шунингдек, туман раҳбари йил якунига қадар эришиладиган кўрсаткичларга ҳам тўхталиб ўтди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 666 млрд сўмга, ёки ўтган йилга нисбатан 109 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 трлн 082 млрд сўмга ёки 104 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 512 млрд сўмга ёки 109 фоизга, хизматлар ҳажми 931 млрд сўмга ёки 119 фоизга ўсишини таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилаётганлиги қайд этилди.

Очиқ мулоқот якунида фаоллар ва ОАВ вакиллари туман ҳокимидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.